



НУҚУ

1997-йил 27-avgustdan chiqqan boshlagan www.huquq.uz

2020-Ҳ. 5-МАРТ, №9 (1206)

ҲАРБИЙ ГУВОҲНОМА
ОЛОЛМАЙ САРСОН
БЎЛГАНЛАРГА ҲАРБИЙ
ПРОКУРАТУРА АМАЛИЙ
ЁРДАМ КЎРСАТДИ.

3-БЕТ

ПРОКУРАТУРА
ТАШАББУСИ БИЛАН 10
ГЕКТАР ЕРГА
2000 ТУПДАН ОРТИҚ
КЎЧАТ ЭКИЛИБ, ЁШЛАР
БОҒИ БАРПО ЭТИЛДИ.

7-БЕТ

ОЛТМИШДАН ОШГАН
ОТАХОН ЕР САВДОСИГА
АРАЛАШИБ, ҚОРА
КУРСИГА ЎТИРДИ.

8-БЕТ

ФИРИБГАР АЁЛ
ОДАМЛАРНИНГ
ИШОНЧИГА КИРИБ,
ҲОЙДАДАН УЛУШ
БЕРАМАН, ҚАЙНОНАМ
КАСАЛ ДЕБ ПУЛ
ОЛАВЕРГАН.

9-БЕТ



ҲАҚИҚАТАН КЕЛАЁТГАН БАЙРАМ МУБОРАҚ,
МЕҲРИБОН ОНАЖОНЛАР, АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!



ҚИЗАЛОҚ ОНАСИНИНГ ЙЎЛИГА КЎЗ
ТИККАНИ-ТИККАН. ВА НИҲОЯТ УНИНГ
ОРЗУСИ УШАЛДИ...

5-БЕТ

... БИР ИНСОН
УМРИГА ЗОМИН
БЎЛГАН ЙҲҲБ
БОШЛИГИ
АВВАЛИГА АЙБИГА
ИҚРОР БЎЛМАДИ.
БИРОҚ...

2-БЕТ



БИНО БУЗИЛДИ,
МЕҲР-ЧИ?..

Онанинг қорнига
сиққан боласи кенг
ҳовлисига сиғмаяпти.

10-БЕТ

БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!! БИЗ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИМИЗ!!!

ҚОРА

Ҳамон айримларда мушкул вазиятга тушиб қолган кезларида енг учиди пора узатиб иш битиришга иштиёқ борлиги кишини ажаблантиради. Яна ҳам ҳайратланарлиси, улар пора бериш жиноятлигини англаб ҳам етмайди. Оқибатда эса...

Жиноят ишлари бўйича Қарши тумани судида Сўхроб Муҳаммадиевнинг жиноят иши кўрилди. Судланувчи 1992 йилда туғилган. Маълумоти ўрта, ҳеч қаерда ишламайди. Бўйдоқ, илгари судланмаган. Чироқчи тумани Сувлиқ қишлоғида яшайди.

Ушанда май ойининг бошлари эди. Сўхроб «Нехиа»сида кезганича Нишон туманидаги қишлоқларда яшовчи нотаниш одамлардан чигитланмаган пахта сотиб олди. Пахтанинг қилоси унга 3100 сўмдан тушди. Сўнг Чироқчига йўл олди.

Қарши тумани «Чаман» маҳалла фуқаролар йиғини худудидан ўтаётганда машинаси бузилиб, тўхташга мажбур бўлди. Капотни кўтариб, хуноби ошганича тимириланиб турганида қаердандир формали кишилар

пайдо бўлди. Йўл-патруль хизмати ходимлари ҳамроҳлигида келган киши ўзини шу худуднинг профилактика инспектори Д.Жўраев деб таништирди ва ҳужжатларини сўради.

Сўхроб уларга ҳеч қандай ҳужжат тақдим қила олмади. Инспектор пахтани кўриб, уни қаердан олганини сўради. Сўхроб бир талай баҳоналарни қалаштириб ташлади. Бироқ инспектор унинг машинасини 412 килограмм пахтаси билан жарима майдонига киритиб қўйди.

– Келишайлик, «камандир», – дея инспекторга ялина кетди Сўхроб. – Икки юз минг бераман...

– Ие, қизиқ экансиз-ку, – деди инспектор. – Ноқонуний тарзда пахта олиб кетаётганингиз юзасидан маъмурий баённома тузиб, ишингизни судга оширамиз. Бунинг устига менга пора ҳам таклиф қилаясиз. Бу ишингиз ҳам қонунга хилоф эканини биласизми?

Сўхроб ялиниб туриб олди. Машина ва пахтасини жарима майдонидан чиқариб берса, инспекторни рози қилишини қай-

та-қайта уқтирди.

Орадан икки кун ўтиб, у яна инспекторнинг хизмат хонасига бориб, илтимосини ва таклифини такрорлади. Ва унга 200 000 сўм берди. Кўчага чиққан маҳали ички ишлар ходимларининг яқинлашаётганини кўриб, қўрқиб кетди ва танишининг машинасига ўтириб қочиб қолди...

Орадан икки кун ўтиб, қонундан қочиб қутула олмастлигини англаб, ички ишлар бўлимига ўз хоҳиши билан бош эгиб бориб, айбини бўйнига олди...

Суд ҳукмига кўра Сўхроб Муҳаммадиевга 2 йилу 6 ой озодлиқни чеклаш жазоси тайинланди.

Ашвёий далил деб эътироф этилган 200 000 сўм пул жиноят қуроли деб топилди, давлат эғалигига ўтказилди.

Чора излаб пора берган уddaбурон шу тариқа ўз бошига ғавво сотиб олди...

Дилшод ТУРСУНОВ,

Қарши тумани прокуратураси терговчиси



ҚОНУНЛАР АНИҚ ВА БИР ХИЛ ИЖРО ЭТИЛИШИ ШАРТ

28 февраль куни Тошкент шаҳар прокуратураси Тошкент давлат юридик университети, Сугурта бозорини ривожлантириш агентлиги, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди, Тошкент шаҳар адвокатлар палатаси билан ҳамкорликда «Суд амалиётида сугурта қонунчилигини қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва ечимлар» мавзусида илмий-амалий давра суҳбати ўтказди.

Давра суҳбатида Тошкент шаҳар прокуратураси органларининг фуқаролик суд ишларида прокурор ваколатини таъминлаш йўналишида фаолият юритувчи ходимлари, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар туманлараро судларининг судьялари, ТДЮУ ўқитувчилари, Сугурта бозорини ривожлантириш агентлиги ҳамда сугурта компанияларининг вакиллари ва адвокатлар иштирок этди.

Тадбирда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислох қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашга қаратилди.

Мазкур қарорга кўра 2019-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини жадал ривожлантириш бўйича йўл ха-

ритаси тасдиқланган. Унда сугурта хизмати сифатини оширишга доир норматив ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш вазифаси белгиланган.

Давра суҳбатида сугурта шартномаси билан боғлиқ низоларни фуқаролик судларида ҳал этишда сугурта қонунчилигини қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва бу борада ягона суд амалиётини шакллантириш масалалари муҳокама қилинди. Таклифлар ўртага ташланди, ягона суд амалиётини йўлга қўйиш бўйича вазифалар белгилаб олинди. Прокуратура органларининг асосий вазифаси ҳам қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилишини таъминлашдан иборат. Яъни, мазкур тадбир прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Давра суҳбати якунида сугурта хизмати кўрсатишга оид фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан билдирилган таклифлар асосида тавсиялар ишлаб чиқилди.

Матлуба АМИНЖОНОВА,
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори

ҲАРБИЙЛАРНИНГ АРЗИ ТИНГЛАНДИ

Давлатимиз раҳбарининг «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоясига биноан барча даражадаги раҳбарларнинг аҳоли билан мулоқотга киришиши, айниқса, сайёр қабуллар орқали мурожаатчиларнинг хузурига бориши халқимизнинг адолатга, давлатга, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Очiq мулоқотларда аҳолининг муаммоларини ҳал этиш чоралари кўрилаяпти.

Тошкент ҳарбий прокуратураси томонидан 25 февраль куни Тошкент вилояти Миллий гвардия бошқармаси билан ҳамкорликда Нурафшон шаҳрида Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари иштирокида бевосита мулоқот ва сайёр қабул ўтказилди.

Муаммоларни аниқлаш ва имкон қадар жойида ҳал қилиш мақсадида ташкил этилган ушбу қабулда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси хизмат ва бўлим бошлиқлари ҳамда Тошкент вилоятининг мутасадди ташкилотлари мутахассислари томонидан ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда пенсионерларнинг тўқсонга яқин арзи тингланди. Уларнинг асосий қисми болаларни мактабгача таълим муассасалари-



га жойлаштириш, ҳарбий хизматчиларнинг турмуш ўртолқларини иш билан таъминлаш, коммунал соҳада учраётган муаммолар ва давлат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ.

Давлат хизматлари агентлигининг Нурафшон шаҳар бўлими ва мактабгача таълим тизимига тегишли бўлган 15 та масалани шу жойнинг ўзида ҳал қилишга эришилган бўлса, қолган мурожаатлар рўйхатга олиниб, ҳал қилиш муддати белгиланди.

Мулоқот давомида ҳарбий прокуратура ходимлари томонидан 41 нафар мурожаатчига ҳуқуқий маслаҳат берилди.

Шунингдек, тадбирда китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида китоб ярмаркаси ташкил этилди. Ҳарбий хизматчилар ва фуқаролар ўзларини қизиқтирган бадий, маърифий, илмий оммабоп китобларни харид қилишди.

Бундан ташқари, тадбир ташкилотчилари нурафшонлик иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси Ражаб ота Мажидовнинг хонадонига бориб, унинг ҳолидан хабар олиши ва совғалар топширишди.

Фахриддин БЕГШЕВ,
Тошкент ҳарбий прокурори

ҲАР ҚИЛМИШНИНГ ЖАВОБИ БОР

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг хабарига кўра, мамлакатда 2020 йилнинг 18 февраль кунига қадар содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 147 киши ҳалок бўлган.



Қурбонлар сони кун сайин ортиб бораётгани ташвишланарли ҳол, албатта. Бу эса Ички ишлар вазирлиги тузилмасидаги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаларига мана шундай бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлаётган омилларга қарши янада фаолроқ курашиш масъулиятини юклайди. Аммо назоратчининг ўзи назоратини йўқотган бўлса-чи?..

2018 йил 3 июль тонги. Нигора (жабрланувчиларнинг исми-фамилиялари ўзгартирилган) онаси билан сахарлаб далага ишга кетган отаси ва акасини нонуштага чақириб учун отланганида олдинда уларни ҳалокат кутиб тургани ҳаёлига ҳам келмаган эди. Улар уйдан чиқиб, дарвозадан ўнг томонга юришади. Чуст туманининг Резак кўчаси чеккасида ёнма-ён кетаётганларида кутилмаганда онаси «Нигора» дея уни четга итариб юборди. Шу сонияларда тормознинг чийиллаган овози атрофни ларзага келтириб, қарсиллаш билан яқун топти. Атроф чанг-тўзон, Нигора нима бўлганини англамай қолди. У бошини кўтариб йўл тарафга назар ташлаганида онаси қонга беланган ҳолда ерда ётарди. Оқ ранги «Жентра» автомашинаси эса йўл четигаги ховлининг томоркасига кириб кетганди. «Аяжон» деганича онасининг олдига чопди. Бу орада йўл-транспорт ҳодисасини содир қилган ички ишлар кийимидаги шахс автоуловдан тушиб келди. У хушини йўқотиб, ерда ётган Мавлуда онани ўзига келтиришга ҳаракат қилди. Сўнг йўловчи машинани тўхтатиб, М.Ҳасановани шифохонага олиб кетди.

Нигора эса оёғини қўлига олиб, далага чопди. Далада ишлаётган Собир ака қизининг йиғлаб келаётганини кўриб, таажжубланди. Қизи етиб келиб, нафаси бўғизига қалалганидан базўр «Аяжонимни машина уриб кетди» дея хўнграб йиғлаб юборди. Собир ака болаларини етаклаганча шифохонага йўл олди.

Мавлуда онани шифохонанинг жонлантириш бўлимига олиб кириб кетишган эди. Кўзлари жикқа ёш Нигора қўлларини қовуштириб, пичирлаб Яратгандан онасига шифо сўрайди. Собир ака эса бетақат уёқдан бу ёққа юрарди. Ҳалокат содир қилган ички ишлар кийимидаги шахс эса ўриндиқда бошини чангаллаб ўтирарди. Барчасининг умиди шифокорлардан. Афсуски, М.Ҳасанова бахтсиз ҳодиса содир бўлганидан уч кун ўтиб, олган жароҳатлари оқибатида ҳаётдан кўз юмади.

Маълум бўлишича йўл-транспорт ҳодисасини содир қилган ички ишлар кийимидаги киши Наманган вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Б.Д. экан. Уша куни у ўзбошимчилик билан, раҳбариятни оғохлантирмасдан ўзига бириктирилган хизмат машинасида пойтахтга бориб қайтаётган эди.

Бу шахс йўл ҳаракати хавфсизлигига масъул бўла туриб, қондани кўпол равишда бузган. Б.Д. чарчагани, уйку элитаётганига қарамай автомашина бошқаришдан ўзини тия олмади. Натига эса аянчи яқун топти.

Дастлабки терговда Б.Д. ёлғон кўрсатма бериб, суддан қуруқ чиқишга ҳаракат қилди. Бош прокуратура томонидан олиб борилган терговда ҳақиқий ҳолат юзага чиқди.

Марҳумнинг яқинлари айбланувчи улардан узр сўрагани, дафн маросими харажатлари ва бошқа моддий зарарларни қоплагани сабабли унга нисбатан даввоси йўқлигини билдириб, суддан енгиллик берилишини сўрашди.

Мазкур ҳолат жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судида атрофлича кўриб чиқилди ва 2020 йилнинг 12 февраль куни Б.Д.га нисбатан ҳукм чиқарилди. Унга кўра Наманган вилояти ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи Б.Д. бир йилга барча турдаги транспортларни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, унга 1 йил 7 ой 6 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Фуркат САТТАРОВ,
Бош прокуратура бошқарма бошлиғининг ўринбосари

ИШСИЗЛИК КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТГА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТМОҚДА

Самарқанд вилояти прокуратураси органлари 2019 йилги фаолиятида асосий эътиборни аҳолини қийнаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратди.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, бандлигини таъминлаш борасида ҳокимлик ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда 75 та меҳнат ярмаркаси ўтказилиб, 2921 киши иш билан таъминланди, уларнинг мингта яқини аёллардир. 7400 нафар фуқарога ҳуқуқий маслаҳат берилди. Бу борада 500 дан ортиқ назорат ҳужжати қўлланиб, ноқонуний буйруқ ва қарорларга 287 та протест келтирилди, ходимларнинг манфаатини қўзлаб сулларга 137 та давво аризаси киритилди, 1065 нафар фуқаронинг ҳуқуқи тикланди.

Шунга қарамадан 148,8 минг кишини иш билан таъминлаш масаласи долзарб бўлиб турибди. Бу даврда 343 минг нафар фуқаро иш излаб четга чиқиб кетгани бу соҳада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳали кўплигини кўрсатади.

Ишсизлик муаммоси криминоген вазиятга салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Буни ишсизларнинг 273 нафари жиноят содир қилганидан ҳам кўриш мумкин. Шу сабабли аҳолини иш билан таъминлаш борасидаги ҳар қандай кўзбўямачиликка қатъий муносабат билдириш, унинг оқибатини тушунтириш орқали бундай ҳолатларнинг олдини олиш чоралари кўрилмақда.

Вилоят прокуратураси ташаббуси билан оилавий ажримларнинг олдини олиш бўйича кўрилган чоралар натижасида ажрим ёқасига келиб қолган оилаларнинг 1154 таси яраштирилди, шаръий никоҳ асосида яшаётган 3317 та оиланинг никоҳи расмийлаштирилиб, 33 та эрта никоҳнинг олди олинди.

Шу билан бирга вилоятда ишсиз аёллар сони 28 мингдан ошгани ташвишлидир.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган бешта ташаббус бўйича прокурорлар секторига бир қатор ишлар қилинмоқда. Каттақўрғон шаҳар, Иштихон, Булунгур, Пахтачи туманларида тикувчилик цехлари ташкил этилиб, 100 га яқин хотин-қиз ишга жойлаштирилди. Масалан, Иштихон тумани 2-секторидagi «Madina Red Star» хусусий корхонасига 180 млн. сўмлик кредит, «Ўзтелеком» АЖнинг бўш турган биноси олиб берилиб, тикувчилик цехи ташкил этилиши натижасида 43 нафар камбағал ва ёлғиз яшовчи аёл ишли бўлди. Шунингдек,

барча туман ва шаҳар прокурорлари секторларида ташкил этилган 19 та кутубхона 38,5 мингта китоб билан таъминланди.

Вилоят прокуратураси томонидан ҳар бир туман ва шаҳарда фуқаролар, тadbirkorлар билан учрашувлар ўтказилиб, муаммоларини бартараф этиш натижасида 371 та ишламаётган тadbirkorлик субъектининг фаолияти тикланди. 48 тасига 517 гектар ер, 476 тасига кредит, 2 тасига бино ажратиш, 273 тасига коммуникация тармоғига улашиш, 74 тасига лицензия расмийлаштиришда ёрдам кўрсатилди. 717 та тadbirkorлик субъекти ташкил этилиб, 1763 та иш ўрни яратилди. Шунингдек, маҳаллий ва чет эллик инвесторларнинг 262 тасига кредит, ер, бино ажратилиши, коммуникация тармоқларига улашиши, лицензия расмийлаштирилишида ёрдам кўрсатилди.

Экспортчи корхоналарнинг раҳбарлари билан ўтказилган учрашувларда 79 га муаммо аниқланиб, 8 тасига 140 млрд. сўм кредит, 3 тасига 975 млн. сўм нақд пул, 4 тасига 59,6 тонна ёнилғи, 4 тасига 46,9 гектар ер

Ишсизларнинг 273 нафари жиноят содир қилган.

олишида, 19 тасига коммуникация тармоқларига улашишда, 21 тасига хомашё топшишда, 8 тасига маҳсулотни сотишда, 11 тасига божхона расмийлаштиришда, 1 тасига логистика масаласида кўмаклашилди, 103 тасига ҳуқуқий маслаҳат берилди. Уларнинг муаммосини бартараф этиш бўйича Бош прокуратурага 5 та таклиф юборилди.

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» дастурларининг бажарилиши устидан доимий назорат ўрнатилиб, прокурорлар секторига 2412 мингта яқка тартибдаги ва 6 та кўп қаватли уй, 45 км. йўл, 19,2 км. ичимлик суви, 34,8 км. ирригация ва мелиорация тармоғи, 21 км. электр тармоғи ҳамда 2 км. табиий газ қувури таъмирланиб, аҳолига 2451 та газ баллонни етказиб берилди. Бундан ташқари, 74 та ноқонуний қурилма буздирилди, 31 км. канал тозаланди, 42,1 км. бетон ва асфальт қопламаси ётқизилди, 12 та автобекат ишга туширилди, 11 та янги маршрут очилиб, уларда 10 та автобус, 42 та микроавтобус катнови йўлга қўйилди.

Болаларга таълим-тарбия бериш, уларнинг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида туман прокурорларининг ташаббуси билан Жомбойдаги 35-, Нарпайдаги 48-, Самарқанддаги 33-мактабнинг спорт

зали таъмирланиб, жиҳозлар олиб берилди, Булунгур ва Нарпай туманларида 4 та суғъий қопламали майдон фойдаланишга топширилди.

Ногирон, уйда таълим олаётган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга 24 та арава, 38 та эшитиш мосламаси ва 43 та хасса олиб берилди.

Вилоят прокурорининг фармойиши билан вилоят прокуратураси, МИБ ва департаментнинг 538 нафар ходими прокурорлар секторидagi 325 та мактаб ва 150 та МТТга ёрдам учун бирикитрилиб, вазифалари аниқ белгилаб берилди ҳамда қисқа муддатда 100 дан ортиқ муаммо ҳал этилди. Ўтказилган тadbirkorлар натижасида ёшлар ўртасидаги жиноятчилик 33,6 фоиз, болалар жиноятчилиги 34,2 фоиз камайишига эришилди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг 108 та мувофиқлаштирувчи кенгаши ўтказилди. Ёлғиз аёллар, ичкилик ва гиёҳвандликка ружу қўйганлар рўйхати тузилиб, уларда аниқланган 6 мингдан ортиқ муаммо ҳал қилинди, илгари судланган 990 киши иш билан таъминланди.

Вилоят прокуратурасининг ташаббуси билан «Ёшлар маркази» биносида ИИБ пробация бўлимига ҳисобида турган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ўзини ижобий томондан кўрсатган ва ахлоқан тузалган маҳкумларни жамоатчилик орасида сайёр суд мажлисини ўтказиш орқали жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилишга бағишланган тadbirkorлар ўтказилди. Бу тadbirkorларда ижобий тавсифга эга 64 нафар маҳкум соғва билан тақдирланди, 42 нафари тиббий ва психологик кўриқдан ўтказилди, 25 нафарига бепул дори-дармон ва бадий китоблар тарқатилди, 16 нафарига ҳуқуқий маслаҳат берилиб, 40 дан зиёд мурожаат жойида ҳал қилинди. Қилинган ишлар натижасида жиноятлар анча камайди.

Вилоят прокуратурасига келиб тушган 38211 та мурожаатнинг 25194 таси бевоқиф прокуратура ходимлари томонидан ҳал қилинди, 2631 таси қаноатлантирилиб, 1593 кишининг ҳуқуқи тикланди. 2019 йилда прокуратура органларида жами 15200 нафар, шундан шахсан прокурорлар томонидан 6022 ва ўринбосарлар томонидан 3911 нафар фуқаро қўли қилиниб, арзларининг кўпи ижобий ҳал этилди.

Фарҳод ЗУФАРОВ,
Самарқанд вилояти прокурори

PROKUROR VA YOSHLAR

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Термиз ҳарбий прокуратураси, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Жанубий операцион йўналиш бошқаруви гуруҳи, Ёшлар иттифоқи ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида вилоят Ёшлар марказида Термиз шаҳрида жойлашган лицей ва мактаб ўқувчилари, ҳарбий хизматга чақирилувчи ёшлар ҳамда хар-



JARAYON

ҲУҚУҚЛАРИ ТИКЛАНДИ

Қарши ҳарбий прокуратураси қонунчилик ижроси устидан назорат йўналишида Қашқадарё вилояти мудофиа ишлари бошқармаси, унинг туман ва шаҳар бўлиmlарида фуқароларга ҳарбий гувоҳнома расмийлаштириб берилиши юзасидан текшириш ўтказди.

Текширув давомида жами 336 киши ҳарбий гувоҳнома олиш мақсадида ариза билан мурожаат қилганига қарамадан, масъулларнинг совуққонлиги натижасида уларга гувоҳнома ўз вақтида берилмагани аниқланди.

Текшириш натижасига кўра 336 нафар фуқарога ҳарбий гувоҳнома берилиб, уларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

Жаҳонгир АШУРОВ,
Қарши ҳарбий прокурори

ВАТАНПАРВАР АВЛОД – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

бий хизматни ўтаётган ёшлар иштирокида учрашув ташкил этилди.

Тadbirkor сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Президенти илгари сурган бешта муҳим ташаббуснинг моҳияти, ёшларимизга яратилаётган шароит ҳақида сўз юритиб, ёшларни кизиктирган саволларга атрофияча жавоб беришди.

Шунингдек, тadbirkor давомида ёшлар Термиздаги ҳарбий қисмда ҳарбий хиз-

матчиларга яратилган шароит билан таништирилди. Уларга ҳарбий хизматчилар томонидан Қуролли кучларимиздаги ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар, кўргазмалли чиқишлар намойиш этилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси, Термиз ҳарбий прокуратураси ва Сурхондарё вилояти мудофиа ишлари бошқармаси ходимлари иккинчи жаҳон уруши кат-

нашчиси Шерали бобо Хайдаровнинг ҳолидан хабар олиш мақсадида унинг Термиз шаҳридаги хонадонига боришди. Шерали бобо уруш даврида бошидан кечирганларини сўзлаб берди. Унга ҳарбий прокуратура ходимлари томонидан соғвалар топширилди.

Шавкат РАЖАБОВ,
Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг ёрдамчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2 март куни халқ таълими тизимидаги устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

5-MART 2020-Y.
HUGUQ № 9
(1206)

3

ЯНГИЧА ТИЗИМ ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВ

Яшнобод тумани прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда жиноятчиликнинг олдини олиш ва кескин камайтириш чораларини кўрмоқда. Натижада умумий жиноятчилик 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 5,7 фоиз камайишига эришилди. Бундай ўзгаришларга олиб келган омиллар нималарда кўринади?

Тумандаги 57 та маҳалланинг 17 тасида бирорта ҳам жиноят содир этилмади. Бироқ 40 та маҳаллада содир этилган бу борада кўрилган чоралар етарли самара бермаганини билдиради. Жиноятнинг оқибати билан курашиш эмас, балки унинг сабабини аниқлаш ва бартараф этишга эътибор қўйилди.

Туман прокурори раҳбарлигидаги 2-секторда 16 та маҳалла фуқаролар йиғини, 68573 нафар аҳоли, 22811 та хонадон мавжуд. Йил давомида худудларда фуқароларнинг муаммоларини ўрганиш юзасидан сектор раҳбарининг 113 та сайёр қабули ташкил этилди. Уларда катнашган 2256 нафар фуқародан жами 1109 та мурожаат келиб тушди, шундан 476 нафарининг муаммоси жойида ҳал этилди. Сектордаги ишчи гуруҳлар хонадонларнинг шароитини ўрганиб чиққач, улардаги муаммоларни бартараф этишга киришди. Жумладан, икки фарзанднинг ониси А.Козимованинг «Кўксарой» МФЙ Алимкент 1-тор кўчаси 4-уйдаги хонадони капитал таъмирлаб берилди.

16 та МФЙда куз-киш мавсумини бетаълофат ўтказиш бўйича дастур ишлаб чиқилди. Дастурга киритилган барча қўп қаватли уйлар мавсумга тайёр ҳолатга келтирилди. Хусусан, «Авиасозлар» МФЙ 3-Авиасозлар мавзеси 38- уйнинг ёниб кетган томи профнастил копламаси билан қопланди, шунингдек, айрим исик сув қувурлари алмаштирилди.

Камбағал оилаларнинг рўйхати тузилди. Уларга МФЙлар томонидан моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. «Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури доирасида 87 киши уйга муҳтожлиги аниқланди. Уларнинг 37 нафари уй билан таъминланди.

2019 йилда 3 та лойиҳа молиялаштирилиб, ёш тadbirkorларга имтиёзли кредит ажратилди. Ҳозир учта «Ёшлар меҳнат гузари» қурилиши давом эттирилмоқда.

Ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида туман прокурори секторида намунали кутубхона фаолияти йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳар прокуратурасида тadbirkorларга ёрдам кўрсатувчи гуруҳ тузилди. Гуруҳ тумандаги барча ижтимоий объектларни ўрганиб чиқди, аниқланган камчиликларни жойида бартараф этиш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, дорихоналарда норасмий тарзда ишлаётган 17 та ходимга ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилиши таъминланди. Бундан ташқари, 61 та ҳолатда нақд пул тушуми кириб қилинмагани, 10 та ҳолатда дорихоналарда дориладан белгиланган тартибда сақланмаётгани аниқланиб, камчиликлар тuzатилди. Тумандаги «Ларж гросс профит» МЧЖга фаолиятини кенгайтириши учун банкдан 524 млн. сўмлик кредит ажратилиши ва 12 та янги иш ўрни яратилиши таъминланди.

Малакали ходимлар ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун мактабларга бириктирилган.

Туман прокуратураси ва бошқа органларнинг малакали ходимлари ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш учун 29 та мактабга бириктирилган. Ўрганишда мусиқа асбоблари, спорт анжомлари, бадий китоблар ҳамда ўқувчи қизларни хунарга ўргатиш учун жиҳозларга эҳтиёж мавжудлиги аниқланди. Шу боис шаҳар ҳокимлиги ва прокуратурасининг ташаббуси билан тумандаги барча умумтаълим мактабларига 318 турдаги 13780 та китоблар тўплами, 32 та тикув машинаси, чолғу асбоблари тарқатилди.

Олимжон АЗИМОВ,
Яшнобод тумани прокурори

МУРОЖААТЛАР ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, уларнинг замирида инсон ва унинг ҳаётини қадрлаш тамойили ётади.

Шу маънода, Денов тумани прокуратураси томонидан «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ижроси доимий назорат қилиб борилмоқда. Туман прокуратурасига ўтган йили 2764 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 1465 таси ҳал қилинган, 556 таси қаноатлантирилган. Шу жумладан, мансабдорларнинг қонунга зид қарорларига нисбатан 17 та протест келтирилиб, 8 нафар шахс интизомий, 7 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Туман судларига 44 млн. 21 минг сўмлик зарарни ундириш ҳақида даъво аризаси киритилган.

Мурожаатларни кўриб чиқишда асосий эътибор ариза муаллифларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, муаммоларини ҳал этишга қаратилмоқда. Хусусан, Навбахор маҳалласида яшовчи Б.Мамасидов ўзи раҳбар бўлган «Аминов Мамасид» фермер хўжалигига «Шўрчи дон маҳсулотлари» АЖ 2018 йил ҳосили учун 20 млн. 300 минг сўм пулни тўлаб бермаётганидан норози бўлиб шикоят

қилган. Ўрганиш натижасига кўра фермернинг ҳақи ундириб берилди.

Шунингдек, Намозгоҳ маҳалласида истиқомат қилувчи А.Абдурахмонов ўз аризасида «Обод маҳалла» дастурига асосан янги қувур ўтказилаётган бўлса-да, дастурда белгиланган жойгача ичимлик суви етказиб берилмаётганини ички фарзанди билан ижарада яшаб келаётгани аниқланиб, оилавий шароити инобатга олинган ҳолда Г.Қобиловнинг ҳужжатлари уй бериш учун рўйхатга олинган.

Бундан ташқари, Нуристон маҳалласида яшовчи Г.Қобилова уй масаласида ёрдам сўраган. Ўрганиш жараёнида у икки фарзанди билан ижарада яшаб келаётгани аниқланиб, оилавий шароити инобатга олинган ҳолда Г.Қобиловнинг ҳужжатлари уй бериш учун рўйхатга олинган.

Бобир РАХМОНОВ,
Денов тумани прокурорининг ўринбосари

NAZORAT

ФЕРМЕРЛАРГА АМАЛИЙ ЁРДАМ

Хўжайли тумани прокуратураси қишлоқ хўжалиги соҳасидаги дастурлар ижросини назорат қилиб бормоқда. Ўтказилган текшириш ва мониторинглар натижасида прокурор таъсир чоралари қўлланиб, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланиши таъминланди. Шунингдек, баъзи мансабдорлар қонун бузилишига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди.

Ўтган йили фермер хўжаликларини ташкил этиш учун 33 гектар ер ажратиб берилди. Шу билан бирга, уч нафар фермерга қарзини ундириб олишда ёрдам кўрсатилди. Назорат тadbirkorлари давонида фермер хўжаликлари нотўғри ва самарасиз фойдаланган 245,8 гектар экин майдони туман захирасига қайтарилди.

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш давомида «Хўжайли пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 510 нафар ишчисининг 570 млн. сўм миқдоридagi икки ойлик иш ҳақи берилмай қолгани аниқланди ва тўлаб берилиши таъминланди.

«Агроэкспорт озик-овқат» МЧЖ раҳбарлари эса фибригарлик йўли билан Хўжайли туманидаги 8 та фермер хўжалигига 237 млн. сўмлик зарар етказган. Мазкур ҳолат юзасидан кўзғатилган жиноят ишининг тергов давомида зарар қоплаб берилди.

Бобуржон МУХАММАДИЕВ,
Хўжайли тумани прокурорининг катта ёрдамчиси



Сохта тadbirkorлик учун судланган, бировларнинг ишончига киришнинг ҳадисини олган Ҳотамжон Самиев (исм-фамилияси ўзгартирилган) пойтахтда яшаб туриб Қўқон шаҳрида бир эмас, учта масъулияти чекланган жамиятни ташкил қилади.

ИШТАҲАСИ КАРНАЙ «ИШБИЛАРМОН»

«Уддабурон» Қўқонда қўп қаватли уй қуришга киришади. Ўзи раҳбарлик қилаётган «Salmoqli hamkor» МЧЖга айланма маблағини тўлдириб, қурилиш материаллари сотиб олиш учун «Ипотека банк»нинг Фарғона филиали билан кредит шартномаси тузишга эришади. Кредит таъминоти сифатида Қўқон шаҳридаги унга тегишли болалар боғчаси биноси 4 млрд. 375 млн. сўмга баҳоланади. Ҳ.Самиев ажратиб берилган 3 млрд. 500 млн. сўм маблағнинг 3 млрд. 200 млн. сўминини 3 та жамиятга бетон, металл, цемент ва бошқа қурилиш материаллари хариди учун ўтказди.

18 ойда тузилган кредит шартномасига мувофиқ асосий қарзни қайтариш жадвалига кўра ўн икки ой давомида ҳар ойда банкка 291 млн. 600 минг сўмдан тўлаб борилиши кўзда тутилган эди. Банк 2019 йилнинг февраль ойда ўтказган мониторингда уй қурилишида атиги 1 млрд. 458 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилгани аён бўлади. Тadbirkor кредитнинг қолган қисми нимага сарфланганини кўрсатиб беролмайди. Кредитнинг 2 млрд. 41 млн. сўмидан нотўғри фойдалангани туфайли қурилиш тўхтаб қолади. Ҳ.Самиев кредит ва унинг фоизларини жадвалда белгиланган муддатда тўламайди. Банк филиали Савдо-саноат палатаси орқали Қўқон

туманлараро иктисодий судига киритган даъво аризаси қисман қаноатлантирилиб, қарзини ундириш гаровга қўйилган собиқ 22-болалар боғчасининг биноларига қаратилади. Гаров мулки МИБ Қўқон шаҳар бўлими томонидан аукционга чиқарилади.

Юқоридаги ҳолатларга нисбатан кўзғатилган жиноят иши бўйича Ҳ.Самиев раҳбарлик қилган учта масъулияти чекланган жамиятда ҳужжатли тағтиш ўтказилганда тadbirkorнинг 798 млн. 800 минг сўм солиқни тўлашдан бўйин товлаб қолгани аниқланди. Бундан ташқари Ҳотамжон жамиятлари орқали харидорғир маҳсулотларни нақд пулга сотиб, тушган 8 млрд. 908 млн. 700 минг сўм нақд пулни назорат касса машинасига кириб қилмасдан савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда қўп миқдорда бузган.

Судда банкка етказилган зарарнинг 2 млрд. 41 млн. сўмини қоплаган, солиқларни тўлаган судланувчига 121 млн. 638 минг сўм жарима ва уч йилга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Дониёр АЗАМОВ,
департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси катта инспектори

АЁЛЛАР ХУҚУҚИ – ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом оилани шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Аёлларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий савияси юксалиб, ижтимоий фаоллиги ортиб бораётгани ана шу эътибор натижасидир.

Миллий қонунчилигимизда ҳам аёллар ҳуқуқлари кафолатлаб қўйилган. Хусусан, Ўзбекистон Конституциясининг 46-моддасида «Хотин-қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар» дейилган. Шу билан бирга қонунларимизда оналик ва болаликнинг ҳуқуқий ҳимоя қилиниши, жумладан, ҳомиладор аёллар учун ҳақ тўланадиган таътил ва бошқа имтиёзлар берилиши, ёш болали оналарнинг иш вақти қисқартирилиши ҳам кафолатланган.

Қолаверса, Оила кодексида ҳам аёлларнинг бир қатор ҳуқуқлари кафолатланган. Масалан, кодекснинг эр ва хотиннинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган бобида уларнинг никоҳи давомида орттирган мулки, шунингдек, никоҳга қадар умумий маблағи ҳисобига олинган мулки, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги мулки ҳисобланиши белгиланган. Кўриниб турибдики, аёл никоҳ давомида даромад топиш мақсадида бирор жойда ишлагандан фарзанд тарбияси билан шугулланганда ҳам оилада орттирилган мулкка тенг ҳуқуқли ҳисобланади.

Хотин-қизлар меҳнатидан тўғри фойдаланиш, уларни ишга қабул қилиш вақтида чеклашларга йўл қўймаслик, ҳомиладор, ёш болали аёлларга берилган имтиёз ва ҳуқуқлар эса Меҳнат кодексида ўз аксини топган.

Ўзбекистонда аёлларни эрга тегишга мажбурлаш ёки уларни бошқа ғаразли мақсадларда фойдаланиш учун сотиш, оилада уларни ҳўрлаш ва бошқа ҳуқуқларини поймол қилишга қаратилган ҳар қандай ҳаракат учун Жиноят кодексида жавобгарлик белгиланган.

Республикамизда хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигига кенг йўл очиб бериш мақсадида давлат ҳокимиятини бошқаришда аёллар сонининг орттишига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Қонунчилик палатаси, Сенат ва бир қанча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ҳам хотин-қизлар сонининг кўпайиши давлат бошқарувида аёллар фаоллигининг ортаётганидан далолат беради.

2018 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилиниб, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталарининг фаолияти такомиллаштирилди. Шунингдек, «Хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ва «Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши ҳам кейинги йилларда хотин-қизлар, оналик ва болалик ҳимоя қилинишининг том маънодаги ифодаси бўлди.

Аёллар ўртасидаги ноҳўя ҳаракатлар, ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун эса ёш қизларнинг ҳуқуқий оғви ва маданиятини ошириш, уларни оилага тайёрлаш ишларини жадаллаштириш, умумий ўрта таълим тизимига шу йўналишдаги ўқув курсларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Тахлилларга кўра аёллар асосан уларга нисбатан қилинган муносабатга, зўравонликка жавобан жиноят содир этади. Шу боис оиладаги зўравонликларнинг олдини олиш чоралари кўрилиши керак.

Ҳозирги кунда оилада ичкилик туфайли келиб чиқувчи низоларни бартараф этиш учун спиртли ичимликларга ружу қўйган шахсларни даволашнинг ҳуқуқий асослари қонун даражасида қайта кўриб чиқилса, хотин-қизларимизнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинган бўлади.

Моҳира ҚУРБОНОВА,
Брош прокуратура бошқарма катта прокурори

ИЛТИЖО

Бешга тўлиб, энди олтига қадам қўйган жамалаксоч қиз – Дилдора отасини катталардек «яxши бориб келинг, дада» деб ишга кузатиб, ҳовли саҳнидаги дастурхон ёзилган чорпоёга чикди. Чойнақдан чой қуйиб, бир тишлам нон еган бўлди.

Қуймоқ егиси келди ва бир вақтлар онаси ширин қуймоқ тайёрлаб берганини эслади. Лекин онасининг кўринишини кўз олдига келтиролмай, хикиллаб йиғлашга тушди.

Йиғи асносида ота-онаси гап таллашиб уришиб қолганини, онаси укаси Дилшодни кўтариб бувининг уйига, кейинчалик уйми, ишми излаб узокка кетиб қолгани ҳақида ўйлаб турганида, айвон шифтига вижирлаб учиб-қунаётган қалдирғочлар хаёлини бўлди.

Дилдора ҳамма нарсани унутгандай қалдирғочларга маҳлиб бўлиб қолди. «Қалдирғоч бўлиш қандай яxши-я, қанотинг бўлади, хоҳлаган жойингга учиб борасан», – деб ўйлади.

Сўнг кўзларини юмиб, хаёлан қалдирғочга айланди ва кўкка парвоз қилди. Баланддан эрга кўз ташлаб онасини қидира бошлади.

Ичкаридан чиқиб келган бувининг «Дилдора, қаердасан, она қизим?» деган овозидан чўчиб тушди. Буни кўрган буви «Вой, сени чўчитиб юборган бувинг ўлсин, жоним болам» дея набирасини кучоклаб, эркалай кетди.

Дилдора барибир қалдирғочлардан кўзини узолмас, «Қалдирғоч, жон қалдирғоч, мен аямни соғиндим. Қанотларинг бериб тур, бирров бориб келайин» деб пичирлар эди.

Ёши етмишнинг қоралаб, қулоғи оғирлашиб қолган буви набирасининг гапини эшитмай қолгани сабаб «Бир нима дедимми, қизим?» деб сўради.

Дилдора «Аямни соғиндим, аямга бораман» деб йиғлаб юборди.

Буни кутмаган буви жонсараклик билан: – Жон қизим, йиғлама, мана мен йиғласам бўлади – менинг энам энди ҳеч қачон келмайди, чин дунёга кетиб қолган. Менам сенга ўхшаб энамнинг меҳрига қонмаганман, тўрт ёшимда ундан ажраб қолганман, болам. Сенинг аянг эса келади, албатта келади, болам. Сен йиғлама... – деб овулди.

Буви кеч кирганда уйга кириб келган ўғлининг овқатланиб бўлишини кутди. Кейин эрталаб набираси аямни соғиндим деб йиғлаганини айтиб, «Болам, келин билан хабарлаш, қайтсин. Ярашиб яшанглр, болларингни ўзларинг катта қилинглр» деди.

Табиатан оғир-вазмин ўғил бироз сукутдан сўнг «Хўп, она» деб қўйди ва чойнақдаги совуған чойдан қуйиб ичиб, ўрнидан турди. «Она,

мен ҳозир келаман, сиз дам олаверинг» деб қўйиб, қўшни маҳаллада яшовчи қайнонасиникига йўл олди.

Қайнонаси «келинг, болам, келинг» деб куёвини яxши кутиб олди. Ҳол сўрашган бўлиши. Чорпоёга омонат ўтирган ўғил ҳовлига назар ташлаб, ўғлини кидирди. Буни сезган қайнонаси «Дилшоджон келиб қолади, болалар билан кўшиникига ўйнагани чикқан эди» деб қўйди. Шу билан гап узилиб, жим бўлиб қолишди.

Бироз ўтиб, ўғилнинг ўйи тилига кўчиб, «Қизингиздан хабар борми?» деб сўради.

– Қизим тушмагур келиб қолар, телефон қилганида тез етиб кел дедим, – деди. Сўнг яна кизини ўйлагандай бўлиб кўшимча қилди: – Қизимнинг бошини айлантириб, бошлаб кетган дугонасини ҳам уришим қайтариб жўнат деб...

Шу пайт кўчадан қайтган Дилшод югургилаб келиб ўзини отасининг кучоғига отди ва маҳкам кучоклаганча туриб қолди... Кейин «Олиб келинг, бувимга бораман» деб оёқларини типирлатиб йиғлай бошлади.

Ўғил «Хўп, майли, биз кетдик» дея оёқка қалқди ва ўғлини опичлаб уйига қайтди.

Ҳовлига киришгач отасининг елкасидан тушган Дилшод «Буви, мен келдим!» деб кийкириб ичкарига ўзини урди.

Буви ва набира бир-бирини кучоклаб, силаб-сийпалашиб туришганида, уйдан уйқусираб чиқиб келган Дилдора укасини кўриб унга талпинди ва уни кучоклаб, баралла йиғлаб юборди. Сўнг «Аям қани Дилшод, аям ҳам келдимми?» деб сўрай бошлади, кўзлари жовдираб отасига қаради. Буни кўриб турган она-боланинг бўғзи-га хўрсиниқ тикилиб, кўзлари ёшланди...

Эртаси кун буви набираси Дилдоранинг пичирлаб дуо қилгандай жажжи кўзларини жуфтлаб қалдирғоч уясига тикилиб турганини кўриб, ўзини кўрмасликка олди. Бу пайт кизча қалдирғочларга укаси уйга келгани учун раҳмат айтиб, онасини уйга қайтаришни илтижо қилаётган эди.

Орадан ўн кунча вақт ўтиб, оиласидаги арзimas етишмовчилик сабаб эри билан айтишиб, онасининг уйига кетган, кейин дугонасининг гапига кириб, бирдан бойиш ниятида иш излаб ўзга юртга кетган, болаларини соғинган келин мўлтираб уйига қайтди.

У қадрдонларига қараб «Мен адашдим, мен излаган бойлик сизлар эканингизни тушундим, мени кечиринг» деб ер чизган бўлди. Унинг гапини болаларининг хурсандчилиги ва шодон кийкириги босиб кетди.

Шу-шу, кичкина Дилдоранинг иши ҳар кун қалдирғочлар билан гоҳ пичирлаб, гоҳ вижирлаб гаплашиш ҳам қўлларини қанот қилиб ҳовли айланиб бўлди.

Ҳолмўйин ЁДГОРОВ



ГУЛДАН НОЗИК, ТОҒДАН УЛУҒВОР

Аёллар мадҳида неча минг йиллардан бери не-не шоири замонлар гўзал ташбехларга бой ғазалу достонлар битиб келади. Бугун ҳам шундай асарлар яратилмоқда. Ажабки, бу каби гўзал ташбехлар асло тугаб қолмайди. Аёл мадҳида янги ва беназир гаплар айтилаверади.

Факатгина бу мавзуда ҳар бир ижодкор кўнгида биргина ҳадик бўлади: «Муносиб сўзни айта оламани?!». Мана шундай ҳадик билан мақолани бошлаб кўйиб, хаёлга бориб турганимда блокнотимдан XIX аср бошларида яшган буюк француз адиби ва жамоат арбоби С.Бюффернинг «Ер юзидан токи битта бўлса ҳам аёл бор экан, у ҳақда янги гап айтиш мумкин» деган гапини ўқиб қолдим.

Шоир ёзганидай:

*Аёл, китоб ичра китобсан сўё,
Битиксан, ўратиб чирмалган ҳар ён.
Сатрлар таратар ҳикмат, сўз, зиё,
Варақлардан янграр нола-ю исён.*

Кўёш аслида иккита! Бири кўкда, бири эса аёл номи билан заминда яшайди. Аёл – малҳами дунё! У – нур манбаи! Жумлаи оламини кўёш, одамлар қалбини эса аёл иситиб туради! Демакки, кўкдаги кўёш шу туришида ҳали мукамал эмас, унинг тўқислиги аёл биландир! Худо кўрсатмасин, онасиз, опа-сингилсиз, умр йўлдошсиз қолишни бир тасаввур қилиб кўринг-а! Тенангизда ўнта кўёш порлаб турса-да, баҳорингиз қишга айланиб, ёзларингиз изгирин бўлади.

Аллоҳ яратган мўъжизаларнинг энг нодири аёл! Унинг феъли сир-синоатга тўла. Мингта фасли, мингта ранги бор. У фидойиликни тушунибгина қолмай, ўзини фидо қилишни ҳам билади. Аёл ўн ақлидан тўққизтасини рўзгори тинчлиги йўлида ишлатади.

Аёлнинг боласини тўққиз ой вужудида кўтариб юриши, умри қил устида туриб кўзи ёриши, боласига келган балоларга қалқон бўлиши уни чексиз савоб ва олқишларга сазовор этади.

Тўдин ойдай боласини бағрига босиб, эмизиб ўтирган аёл меҳр тимсолидир.

Бир имом ҳар гал жума намозининг сўнгида дуо ўқийтиб, «Аллоҳ ҳеч қимми катта бўлганда етим қилмасин» дейишни қанда қилмас экан. Охири

ундан «Тақсир, деярли ҳаммамизнинг ёшимиз фалон жойга борган, аллақачон етиммиз-ку?» деб сўрашибди. Шунда у «Эй, биродарлар, энг оғир етимлик аёлдан кейин қолишдир» деб жавоб берибди.

Гоҳида сиздан қаттиқ ранжитган бўлса-да, «нима бўлса ҳам умр йўлдошим-да» дейди ва хизматингизни қилаверади. Фёсингиз торайиб, қариндошу болаларингизга ёқмай қолганингизда ҳам Аллоҳ розилиги учун деб оқ ювиб, оқ тарайдиган ҳам шу аёл! Бундай беминат суянч ва беминнат дўстдан айрилиш эркак учун албатта ғариб етимлик бўлади-да!

Клеопатра, Жанна д'Арк, Роксана, Индра Ганди, Маргарет Тэтчер жамият тарихида сезиларли из қолдирган энг машҳур аёллардир. Туронзамин тарихида ҳам ўзининг ҳарбу зарбдаги жасорат ва матонати, ақлу заковати, нафосат ва назокати ила ўчмас ном қолдирган Тўмарис, Бибихоним, Зебуннисо, Нодира-бегим, Кенағасойим каби кўплаб аёллар алоҳида эҳтиром билан тилга олинади.

Дунёдаги барча фахр-ифтихор оналар тўфайлидир. Кўёшсиз гуллар очилмагани, муҳаббатсиз бахтга эришиб бўлмагани каби она бўлмас экан – шоир ҳам, қаҳрамон ҳам тўғилмайди.

Мамлакатимизда аёлларни улуғлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш борасида бир қатор фармон ва қарорлар қабул қилинган. Аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқий, сиёсий билимларини ошириш, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга йўналтирилган вазифалар давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан ҳисобланади.

Ўтган йилларда турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган ўнлаб аёлларимиз Ўзбекистон қаҳрамони деган олий унвонга, кўплаб опа-сингилларимиз давлат мукофотларига сазовор бўлгани, айниқса, қизларимиз учун Зулфия

номидаги давлат мукофотининг таъсис этилгани, аёллар орасидан раҳбарлар, шу жумладан ҳокимлар етишиб чиқаётгани уларга кўрсатилаётган юксак эътибор намунасиدير.

Қашқадарёда ҳам оила бекалиги ва фарзандлар тарбиясидан ортиб, турли соҳаларда юксак натижаларга эришиб келаётган хотин-қизларимиз кўп. Тиббиёт соҳасида самарали меҳнат қилиб, минглаб кишиларнинг дуосини олган Қамаш тумани кўп тармоқли қамқазий поликлиникаси педиатри, «Меҳнат шухрати» ордени соҳиби Хайитгул Умарова, Нишон тумани тиббиёт бирлашмаси болалар бўлими ҳамшираси, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳиби Мухтарам Усмонова, Қарши шаҳридаги 35-мактабнинг физика фани ўқитувчиси, «Шухрат» медали соҳиби Гўзал Тўрасева шулар жумласидандир.

– Аёли улуғланган юртда яшаётган ортиқ бахт бўлмаса керак, – дейди **Қасби туманидаги «Орзудан-да зиёда» фермер хўжалиги раиси Мухаббат Аҳмедова**. – Худода шуқур, меҳнатимизнинг роҳатини кўраймиз. Турмушимиз фаровон, бировдан кам жойимиз йўқ. Тўйлар қилаёғимиз, уйлар қурайғимиз, ҳар йили санаторийларда дам олаёғимиз.

Бугун Ўзбекистонда ҳар бир аёлнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонулар билан мустаҳкамланган. Хотин-қизларнинг истақларига биноан қонунда белгиланган меҳнат стажига бўлган тақдирда уларга 54 ёшдан пенсияга чиқиш ҳуқуқи берилди. Уч ёшгача боласи бўлган аёллар бюджет ҳисобидан молиялаштириладиган муассаса ва ташкилотларда ишлаётган бўлса, улар учун иш ҳақи тўлиқ сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига 35 соатдан ошмайди.

Шу билан бирга, мамлакатимиз турли конвенция, битим, шартномаларга қўшилган бўлса, уларнинг асосий қисми бевосита хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган. Жумла-

дан, БМТнинг хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенцияси (CEDAW) нормалари миллий қонунаримизда ўз ифодасини топган ва уларнинг бажарилиши таъминланмоқда.

Жойларда ташкил этилган аёллар маслаҳат марказларини уларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир намунаси сифатида келтириш мумкин.

– Баъзан аёлларнинг ўз яқинларига ҳам айта олмайдиган муаммолари, ўй-фикрлари бўлади. Кимгадир маслаҳат солса, гап-сўз бўлишидан чўчийди. Бундай аёлларга тўғри йўл кўрсатиш, рухий далда бериш, муаммоларини оқилона ечишга қўмаклашиш билан уларни турли нохушликлардан асраш мумкин. Марказимизда айнан шу мақсад асосий мезон ҳисобланади, – дейди **Қашқадарё вилояти аёллар маслаҳат маркази раҳбари Ойдин Анорова**.

Марказда, шунингдек, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, фарзандларни, айниқса, қизларни миллий кадриятларимизга таянган ҳолда тарбиялаш, яқин қариндошлар ўртасидаги нияҳонинг, қизларни эрта турмушга беришнинг салбий оқибатлари тўғрисида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш кўзда тутилган.

Жамиятнинг хотин-қизларга муносабати халқнинг маданий даражасини, маънавий камолотини белгилайди. Ҳар бир аёл учун тинч ва фаровон юртда яшаётган, оила ва жамият эъзозиде бўлишу соғлом фарзандларни камолга етказишдан ортиқ саодат йўқ.

Аёл омон бўлса, ватан тинч, оилалар мустаҳкам, юрт фаровон, тилақларимиз ижобат бўлмай. Шу улуг зот бор экан, ҳаёт давом этаверадимиз, эзгу орзуларимиз бизни нурли манзиллар сари стаклайверади.

Норбўта ҲОЗИЕВ,
«Нурқу»

Фаллаорол туманидаги тиббиёт коллежида Жиззах вилояти прокурори И.Эргашхўжаев, туман прокурори С.Раззоқов ҳамда Жиззах ҳарбий прокурори О.Ҳайдаров ёшлар билан учрашди.



ХАЛҚ ОРАСИДА БИР КУН

Учрашувдан олдин вилоят прокурори бошчилигидаги ишчи гуруҳ «Маҳалла» марказида ёш тадбиркорлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар ва «Ибратли чевар қизлар» тикув цехи фаолияти билан танишди.

Шундан сўнг коллеж биносида бўш иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди. Унда 170 нафар ёшлар иштирок этиб, 75 нафари ишга жойлаштирилди. Кейин Президентимиз илгари сурган бешта ташаббус доирасида мактаблараро спорт мусобақаси бўлиб ўтди. Унда 21 та мактабдан 300 га яқин ўқувчи катнашди. Ёшларга ҳарбийларнинг жанговар

чиқишлари намойиш этилди.

Тадбир доирасида прокуратура ташаббуси билан Хонақоқ кишлоғидаги 10 гектар ерга 2200 тул мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилиб, Ёшлар боғи барпо этилди.

Шундан сўнг вилоят прокурори туман молия бўлими биносида ёшлар билан учрашди. Унда 200 нафар ёшлар катнашиб, 30 нафари муаммо ва таклифлари билан мурожаат этди. 16 та мурожаат қаноатлантирилди. Қолган мурожаатларнинг ижроси вилоят прокуратураси томонидан назоратга олинди.

Шунингдек, фан олимпиадалари ва турли мусобақаларда совриндор бўлган 48 нафар ёшларга ташаккурнома, бадиий китоб ва спорт анжомларидан иборат совғалар топширилди.

Учрашувдан сўнг ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш ва корхоналар билан таништириш мақсадида тумандаги «Сангзор текстил» масъулияти чекланган жамиятига саёҳат ташкил этилди.

Бундан ташқари, тиббиёт коллежи биносида Жиззах вилояти кўчма поликлиникаси ва «Соғлом авлод» жамғармаси мутахассислари 203 кишини тиббий кўриқдан ўтказиб, 130 нафар

беморга 18 турдаги дори-дармонлар берил тарқатди.

Шу куннинг ўзида вилоят прокурорининг оммавий қабули ўтказилди, унда 100 нафар фуқаро иштирок этди. 34 кишининг арзи тингланиб, шундан 15 таси жойида қаноатлантирилди. Қолган мурожаатлар қонунда белгиланган тартибда кўриб чиқиши таъминланади.

Икром БЕГАШЕВ,
Жиззах вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи



Фарғона вилояти прокуратураси органлари ҳар ҳафта «Прокурор ва ёшлар» учрашувларини ўтказмоқда. Учрашувларда ёшларнинг таклиф ва мулоҳазалари эшитилиб, ташаббусларини рўёбга чиқариш, муаммоларини ҳал этиш борасида ёрдам кўрсатилаёпти.

ОРЗУ ВА ИНТИЛИШЛАР РЎЁБИ

Хусусан, уларнинг 380 нафарига 4 млрд. 200 млн. сўм кредит ажаратилди. 178 нафар ишсиз ишга жойлаштирилди, 120 нафарининг даволаниши таъминланди, 439 нафар ёшнинг бошқа муаммолари ҳал этилди.

Вилоят прокурорининг Марғилон шаҳридаги учрашувида 200 дан ортиқ ёшлар катнашди. Уларнинг тўққиз нафари ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилди. Бир кишига ногиронлик аравачаси ва тўрт кишига моддий ёрдам берилди. Хусусан, З.Ашуралиева шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 2-оилавий поликлиникага ҳамшира вазифасига, И.Ўроқова 32-мактабга тарих ўқитувчиси вазифасига ишга жойлашди. Шунингдек, профилактик ҳисобда турувчи 20 нафар ёшга спорт билан мунтазам шуғулланиши ва турли фанлардан кўшимча дарс олиши учун малакали мураббий ва муаллимлар бериштирилди.

Олтириқ туманида ўтказилган учрашувда Фарғона давлат университети талабаси Ф.Мамазияевнинг муаммоси ҳал этилиб, унинг таълим олиши учун 6,5 млн. сўм шартнома пули тўлаб берилди. Бандлигини таъминлаш учун фуқаро Р.Рўзматовга тикув машинаси топширилди.

Фурқат туманидаги Узунчек қишлоғида яшовчи М.Умаровнинг фарзанди М.Назиржон тиббий

кўриқдан ўтказилди ва унга ногиронлик аравачаси берилди.

Ўзбекистон туманининг «Қулибек» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Р.Сиддиқовага тикув машинаси ва хомашё харид қилиш учун «Агробанк»нинг Ўзбекистон филиалидан имтиёзли шартлар асосида 31,1 млн. сўм кредит олишида ёрдам кўрсатилди.

Бешарик туманидаги учрашувда 21 нафар ёшнинг мурожаати алоҳида назоратга олинди, олтига муаммо жойида ҳал этилди. Шунингдек, тадбиркорликни бошлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, иссиқхона ташкил этиш, тикувчилик, хизмат кўрсатиш, новийчиликни йўлга қўйиш учун ёрдам сўраган О.Мутавалиевага 25 млн. сўм, М.Раҳимовага 10 млн. сўм, Қ.Султоновага 20 млн. сўм, М.Алиевага 30 млн. сўм, С.Абдуллаевага 30 млн. сўм, М.Холиқовага 20 млн. сўм, О.Маматкуловага 30 млн. сўм, Ш.Валиевага 10 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилдиган бўлди.

Ёшларнинг орзу ва интилишларини рўёбга чиқаришга, муаммоларини ҳал этишга қаратилган учрашувлар давом эттирилмоқда.

Нодиржон ДЖАЛОЛОВ,
Фарғона вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

ИЛҒОР ЁШЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Наманганда вилояти прокурори Акмалхўжа Мавлоновнинг ёшлар билан учрашуви анъанага айланди. Бу галги тадбир Наманган шаҳрида бўлиб ўтди.

Тадбирнинг илк манзили Наманган шаҳридаги «Имрон» хусусий корхонаси бўлди. Бу ерда шаҳарлик ёш тадбиркорларнинг кўрғазмаси ва меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Шуниси диққатга сазоворки, кўрғазма иштирокчиларининг аксарияти «Ёшлар – келажакимиз» дастури доирасида имтиёзли кредит олган ёшлардир.

Корхонадаги учрашувда ёш тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган савол ва таклифлар билан вилоят прокурори Акмалхўжа Мавлонов ва Наманган шаҳар ҳокими Шавкат Абдуразоқовга мурожаат этишди.

Ёшлар билан учрашув Нодирабегим номидаги ахборот-кутубхона марказида давом эттирилди. Бу ерда вилоят прокурори Наманган шаҳридаги коллеж ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Ёш китобхон» талфови ғолибларига вилоят ҳақида ҳикоя қилувчи фотоальбомни совға қилди. Шунингдек, кутубхонага янги аъзо бўлган ўқувчиларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Кутубхонада «Ёш тадбиркорлар» тўғраги ташкил этилди. Унда Наманган шаҳридаги машҳур тадбиркорлар ёшларга бизнес юртини сирларини ўргатиши кўзда тутилган.

«Прокурор ва ёшлар» учрашувининг кейинги манзили Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази» бўлди. Бу масканга турли халқаро ва маҳаллий танловлар ғолиблари, шаҳар ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол катнашаётган ёшлар тўпланди. Вилоят прокурори уларни эришган ютуқлари билан қутлаб, бундай ёшлар тенгдошларига ўрناк бўлаётганини таъкидлади. Улардан бир гуруҳига совғалар топширди.

Дилшодбек АМОНОВ,
Наманган вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Самарқанд шаҳрида «Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун» мавзусида халқаро конференция ўтказилмоқда.



FAOLIYATIDAN

«ТЕЗ ЁРДАМ» КЎРСАТА ОЛМАДИ

«Тез тиббий ёрдам» автомашинаси ҳайдовчилиги кўпларнинг ҳавасини келтирадиган иш. Ўн икки соат навбатчилик, кейин бир неча кун ҳордиқ, яхшигина маош. С.Э. ҳам шундай ишга ўтишни ният қилганди. Аммо...

Департаментнинг Қашқардаё вилояти бошқармаси ва унинг Косон тумани бўлими ходимлари фуқаро С.Э.нинг мурожаати юзасидан тадбир ўтказди.

Аниқланишича, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси махсус ва тез тиббий ёрдам автохўжалиги катта механиги Ч.А. фуқаро С.Э.ни директор орқали ҳал қиламан деб алдаб, Қарши шаҳар тез тиббий ёрдам бўлимига ҳайдовчи вазифасига ўтказишда ёрдамлашиш эвазига 400 АҚШ доллари талаб қилган. Механик дастлаб 100 долларни олган. Кейинроқ 200 доллар олаётган пайтда ашёвий далил билан қўлга олинди.

Суд ҳукми билан Ч.А.га нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

Бахриддин НАРЗУЛЛАЕВ,
департамент Косон тумани бўлими бошлиғи

ЖИНОЯТДАН ХОЛИ ЖАМИЯТ УЧУН

Департаментнинг Самарқанд вилояти бошқармаси ва ҳудудий бўлимлари 2019 йилда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодий жиноятларни фош этишга жиддий эътибор қаратди.

Кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам туфайли 1911 та тадбиркорлик субъекти ташкил қилинди, уларда 1939 та янги иш ўрни яратилди.

Бундан ташқари, рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритаётган 962 нафар фуқаро тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди. Ишнни вақтинча тўхтатган тадбиркорларга кўмаклашилгани сабабли 164 нафар тадбиркорнинг фаолияти тикланди. Фуқаролар ва тадбиркорларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш натижасида 189 та, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясига оид 50 та

жиноят иши кўзгатилди.

Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш борасида кўрилган чоралар туфайли 476 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 291 та жиноят иши кўзгатилди ва 185 та маъмурий иш юритилди.

Қонунбузилишлар юзасидан ўтказилган текширишларда 10,3 млрд сўм зарар етказилгани аниқланиб, давлат бюджетига 90,6 млрд сўм қўшимча солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобланиб, 28,2 млрд сўми ундирилди.

Хуфёна иқтисодиётга қарши курашиш борасида 50 та яширин цех фаолиятига

барҳам берилди. Улардан 672,8 млн. сўмлик товарлар олиб қўйилиб, 39 та жиноят иши кўзгатилди.

Хорижий валютанинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ 112 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 283 минг 625 АҚШ доллари, 591 минг 170 Россия рубли, 70 минг Қозғоғистон тенгеси, 39 минг 800 Туркменистон манати ва 561,6 млн. сўм ашёвий далил сифатида олиб қўйилди ва 51 та жиноят иши кўзгатилди.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш борасида иккита жиноят иши кўзгатилди. Ноқонуний

муомалага киритилган 5 млрд. 803 млн. 300 минг сўмлик товарлар олиб қўйилиб, 39 та ҳолатда 1 млрд. 873 млн. 200 минг сўмлик товарларнинг мамлакатга ноқонуний олиб кирилиши фош этилди.

Шунингдек, ҳокимият, солиқ, банк, ички ишлар ва бошқа идора ходимларининг коррупцион қилмиши юзасидан 110 та жиноят иши кўзгатилди. Уларнинг 52 фоизи порахўрлик билан боғлиқ.

Мухаммадҷон РУЗМАТОВ,
департаментнинг Самарқанд вилояти бошқармаси бошлиғи

МУХОМОНДАГИ ЕР САВДОСИ

Фирибгарликнинг тури кўп. Бугунги кунда «уй олиб бераман», «ишга киритиб қўяман», «ер олишда ёрдам бераман» деб одамларни алдаб, кўпчиликти чув тушираётганлар ҳам учраб турибди. Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси ҳамда Ҳазорасп тумани бўлими ходимлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар билан ҳамкорликда ана шундай ҳуқуқбузарликларга чек қўймоқда.

Ҳазорасп тумани Муҳомон қишлоғида яшовчи пенсионер Исмоил Маматқулов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳамқишлоқлари орасида уй ва ер олиб беришга кўмаклашувчи инсон сифатида танилган. У қишлоқдоши Содиқ Тўйчиевга туман ҳокимлигида ишловчи танишлари орқали уй қуриш учун Муҳомон маҳалласидан 7 сотих ер ажратиш ва ҳужжатларини расмийлаштириб беришни ваъда қилиб, эвазига 5000 АҚШ доллари сўрайди.

Отаҳоннинг ноқонуний ҳаракатидан норози бўлган Содиқ Тўйчиев ушбу жиноятга барҳам бериш мақсадида департаментнинг Ҳазорасп тумани бўлимига ариза билан мурожаат қилди. Унинг аризасига асосан ўтказилган тадбирда фирибгар ўз уйида қишлоқдошидан 3500 доллар пулни олган вақтида ашёвий далиллар билан ушланди.

Ҳозир мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши кўзгатилиб, суриштирув олиб борилмоқда.

Зарифбой МУРАТОВ,
департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи

ХОРИЖЛИК ДОРИФУРУШ

Ҳозир «Трамадол», «Лирика» ва таркиби шуларга ўхшаш наркотик таъсирга эга дориларни истеъмол қилиш ёшлар орасида кўпайиб бормоқда. Ушбу препаратлар саломатликка жиддий зарар етказишидан ташқари, бошқа салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқаради. Хусусан, йигит-қизлар бу препаратлардан сўнг бошқа кучлироқ наркотик моддаларни ҳам татиб кўрмаслигига ҳеч ким кафолат беролмайди. Афсуски, психотроп дорилар таъсирида жиноят содир этиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Айрим қимсалар бойлик орттириш мақсадида ушбу кучли таъсир этувчи дорилар зарарлилигини била туриб, ёшларимизга сотаётгани ачинарлидир. Улар орасида юртимизга келган чет эл фуқаролари ҳам бор. Молдовалик Максим Пleshко шундайлар сирасидан.

Ўтган йили пойтахтимиздаги Бектемир блокнотида Максим Пleshко «Трамадол Ланнахер» ва шунга ўхшаш психотроп дориларни мамлакатимизга контрабанда йўли билан, божхона ва чегара қондаларини бузган ҳолда олиб келаётгани аниқланди. Ундаги дориларнинг махсус сертификати ва бошқа ҳужжатлари йўқлиги маълум бўлди.

Ушбу ҳолат бўйича департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан суриштирув олиб борилди ва жиноят иши кўзгатилиди. Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди томонидан М.Пleshко жарима жазосига тортилди.

Нарғиза ИСЛОМОВА,
департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси бўлим катта инспектори

ТАДБИРКОРЛИК ҚИНҒИРЛИКНИ СУЙМАЙДИ

Тошкент шаҳрида яшовчи Ҳожиакбар Хурсанов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) тадбиркорликни ихтиёр этиб, Зангиота туманидаги тахта бозорида масъулияти чекланган жамият ташкил қилди. Лекин тадбиркорлик қинғирликни ёқтирмаслигини кеч англаб етди.

У 2018 йилда Россиядан жўнатирилган 9018 АҚШ доллари ва 46 млн. 967 минг 764 рублик ёғочларни чакана сотишдан тушган 7 млрд. 991 млн. 133 минг 500 сўм нақд пулни назорат-касса машинаси орқали кирим қилмади.

Товарлар реализация қилингани ҳужжат билан тасдиқлангани ҳолда тушум суммаси банкка топширилма-

ди, оқибатда савдо қондалари жуذا кўп миқдорда бузилди.

«Уддабурон» тадбиркор бу қилмиши учун суд олдида жавоб берди ва тегишли жазосини олди.

Феруз ХАСАНОВ,
департаментнинг Зангиота тумани бўлими катта инспектори

«ҚОРА БОЗОР»НИНГ ҚОРАСИ

Тадбиркорлик билан шуғулланувчи Бекмурод Ҳамдамовга қўнғироқ қилган йигит долларни сўмга алмаштирмақчи эканини айтди. У Мен сенга доллар сотадиган банкманми ё доллар айирбошлаш шохобчаси-манми?!» дейиши керак эди, аммо ундай демади.

Бекмурод Ҳамдамов айтилган жойда, келишилган нархда Мухаммадали Астановдан 2700 АҚШ долларини 24 млн. 570 минг сўмга қонунга хилоф тарзда сотиб олган пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан қўлга олинди.

Суд ҳукмига асосан Бекмурод Ҳамдамовга ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шarti билан 3 йил, Мухаммадали Астановга ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат ҳисобига ушлаб қолиш шarti билан 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Шунинг учун ҳар ишга қўл уришдан аввал унинг оқибатини ўйлаб кўриш керак.

Мирхон АБДИЕВ,
департаментнинг Бухоро вилояти бошқармаси бўлим бошлиғи



ЖОҲИЛЛИКНИНГ ОХИРИ БОРМИКАН?!

Набира бобосидан «Илгари интернет, телеграм, истаграм, фейсбук, уяли телефонларсиз қандай яшагансиз?» деб сўраса, бобоси «Сен меҳр-оқибат, қадр-қиймат, ибo-ҳаё қаҳатга учраётган пайтда яшаётганинг сингари» дея жавоб берибди.

Бобо билан набираси ўртасида шундай савол-жавоб ҳақиқатан ҳам бўлиб ўтганми-йўқми, ҳозир бу аҳамиятсиз. Аммо нима бўлганда ҳам бобо жавобида аччиқ ҳақиқатни ошкор қилмоқда. Эътироф этиши керак, ҳар ҳафта ижтимоий тармоқларда тарқалаётган баъзи хабарларни ўқигач бобонинг қайсидир маънода ҳақ эканини тани оласан, эгинг сесканили, бенхтиёр ёка ушлайсан!

Бу не бедошликки, пойтахтдан оқиб ўтувчи анҳордан чақалоқ топилса!..

Ўзбекистонлик аёл ер бети ўтиш йўлига янги тунилган гудагини ташлаб кетса!..

Сурхондарё вилоятида бир аёл саккиз яшар боласини икки миллион сўмга сотаётганда ушланса!..

Куни кеча бир галбирда имом-хатиб «Айрим номард эрларнинг хотинига қўл кўтариши ҳақида эшитар эдик, энди эса эрининг жонига касд қиладиган хотинлар пайдо бўлибди» дея ёзғириб қолди. Дарҳақиқат, бир неча ой илгари Тошкентнинг Қамолон маҳалласида янги келин қариндоши билан тил бириктириб, эрини бўғиб ўлдиргани аянча шов-шув бўлган эди. Буни қарангки, қотилларга суд жаъо бергани ОАВ орқали эълон қилинганидан қўп ўтмай туриб, энди Андижон шаҳрида яшовчи аёл турмуш ўртоғини синтетик ип билан бўғиб ўлдиргани ва мурдасини уйидаги хожатхонага ташлаб юборгани ҳақида хабар тарқалиб турибди!..

Бу каби жоҳилликларга қўл ураётганлар одам боласимикан, деган ўйга боради киши. Шу билан бирга, уларни хайвонга қийслашга ҳам виждон қийналади. Бундай дейишимизга эса асос бор. Айтмоқчимизки, бундай қимсалар меҳр кўрсатишининг айрим жиҳатларини хайвонлардан ўргансалар арийдик. Мисол учун, ижтимоий тармоқлар орқали хабар толдик — ит ахлатга ташлаб кетилган гўлакни топиб, этасига келтириб берди ва уни ўлимдан сақлаб қолди!..

Бошқа бир ит тумшуги билан ер қаулаб ўлган боласини қўмиб қўйдил!..

Хоразмлик ҳамкасбим ўзи гувоҳ бўлган бир воқеани айтиб берганда эса она меҳрининг нақалар буюклигига яна бир бора ишонч ҳосил қилдим. Унинг ҳикоя қилишига маҳалласидаги хонадонда ит болабанди. Кучук боладан биттасини қўшиб қўчада яшовчи бир одам олиб кетибди. Буни қарангки, она ит ҳар куни эрта билан боласини олиб кетган хонадонга келиб, уй эгалари дарвозани очгунча кутиб тураркан. Дарвоза очилиши билан тўғри боласини олдиға бериб, уни эмизиб бўлгач, ортига қайтар экан. “Кучук бола ўзини тутиб олгунча она ит икки ҳовли ўртасида кунига бир неча марта катнаган эди”, дея сўзини якунлади ҳамкасбим!..

Халқимизга ҳос ақлишча-ю иффиат, ҳаё-нибога бошқа миллатлар хавас қилса арийдиле дея оғиз кўпиртирмаймиз. Шундай бўлгани ҳолда қўча-қўйда ўспирин йиғит-қизларнинг салом-алиги-ю гап-сўзини ҳеч қузатганмисиз? Гоҳида уларнинг оғиздан шунақанги гаплар чиқадики, ҳатто тилига эрк берадиган эркаклар ҳам лол бўлиб қолади. Ёки шундоққина йўлнинг устида, иш ё ўқинга отланган йўдовчиларга ҳам нарво қилмай кучоклашиб турган ёшгина «севишганлар» ҳақида нима дейиш мумкин?!

Ўрни келганда, гарчи қўл бора қайд этилган бўлса-да, яна бир бора Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кўчлар» романини эга оламиз. Ушбу асар асосида суратга олинган бадиий фильмин кўрмаган томошабин топилмасе керак. Аҳамият берган бўлсангиз, фильмда Юсуфбек ҳожи билан Қумушнинг кўришиши қуйидагича тасвирга олинган: Қумуш салом бергач, қайноғаси алик олиб, унинг пешонасидан ўлади.

Энди айнан шу ҳолат асарда қандай тасвирланганига аҳамият беринг-а: ...Қумуш уялиб зўрағина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб бўйин эди. Ҳожи қўли билан Қумушнинг елкасига қоқиб сўйдил ва Қумушнинг мангайига тегизиб олган ўз қўлини ўлдил!..

Мана сизга миллий тарбиямизнинг, одоб-ахлоқнинг ҳақиқий намунаси. Унда беҳаёлик бугунги ёшларимизга қаердан илаша қолди экан?! Бунинг сабаби нимада?

Тавқиллаш лозим, сўнги пайтларда кўпчилигимиз, айниқса, ёшлар интернетга муккасидан кетиб, ҳаётини усиз тасаввур эта олмай қолди. Шундай бўлгач, телевизор кўриш, гафета-журнал ёхуд китоб вараклашининг нима қилиши қолади?! Сўнги пайтларда телевидение орқали айрим кўрсатувларда нотинч оилалар, ота-онанинг тарбиядаги ўрни, йиғит билан қиз муносабатлари ҳақида мушоҳада юритилмоқда. Газеталарда ҳам шу мавзудаги мақолалар чоп этилаётти. Аммо ҳозиргина қайд этганимиздек, бугунги ёшлар на телевизор кўради, на газета ўқийди.



Гувоҳи бўлаяймиз, фарзандини тақдир ҳукмига ташлаб кетаётганларнинг аксарияти ўткинчи севиш-ю номард қимсаларнинг алдовига учганлардир. Бирок, кишини ўйлантирадиган жиҳати, кези келганда ота-онасига ҳам дашном беринга етилган ақллари шу ерга келганда оқсаб қолмоқда. «Севиб қолдим. Сениз яшай олмайман» дея оғиз кўпиртираётганлар бугун унга, эртага бошқасига муҳаббат ихор қилаётганини, «иши» битган эса шу заҳоти гойиб бўлишини англаб етишмаяпти. Оқибатини кўриб турибмиз!..

Ҳаммаси оиладаги тарбияга бориб тақалади. Биргина мисол: экиннинг қўнғилдагидек ҳосил бериши уруғнинг тоза бўлишига боғлиқ бўлгани каби фарзанднинг қим бўлиб воғга етишида ота-онанинг ўрни беқиссе. Қолаверса, «Опасини кўриб қизини ол» деган мақол ҳам беқорга айтилмаган. Шундай экан, айниқса қиз боланинг тарбиясига алоҳида аҳамият беришимиз ҳам қарғ, ҳам фарздор. Афсуски, айрим оналар буни унутиб қўймоқда. Наҳотки, пайти келса нафас олишдан ҳам унаги ўзгартириши сезадиган она қизининг қорин қаппайиб қолганини билмасе?! Бу бедошлиқларда оталарнинг ҳам ўзига яраша айби бор. Баъзи оталар оиласида сўзини ўтказма қолмаётгани ҳам, афсуски, аччиқ ҳақиқат! Пайти келганда нафақат уғил, балки қизи ҳам оталик сиёҳи қолмаган қимсани назарига илмайди.

Афсуски, сўнги пайтларда ота-оналарнинг ўзлари ҳам тарбияга муҳтожлигини аён бўлмоқда. Жумладан, 22 февраль куни Бош прокуратурада Жиноятчиликка қарши кураш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Видеоселектор тарзида ўтказилган йиғилишида мамлакатдаги жиноятчилик таҳлил қилиниб, хусусан, қотиллик жинояти оилада, аксарият ҳолларда оддий маиший муносабатлар замирида келиб чиққани, қариндош уруғлар ёки қўн-қўшинлар ўртасидаги қелишмовчиликлар тўлиқ бартараф этилмаётгани, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришдаги камчиликлар кўрсатиб ўтилди. Ушбу жиноятларнинг 28 фоизи эса эр-хотин, ака-ука, ота-ўғиллар ўртасида юз берганининг алоҳида қайд этилгани ҳам айрим оналар жоҳилликка юз тутганини кўрсатиб турибди.

Бир томондан қараганда, ота-она бўлиши осондек. Аммо Алоҳ ота-оналик бахтини бериш билан бирга, фарзандни омонатга берганини унутиб қўйиш ярамайди. Бу ҳақда буюк вағандошимиз Имом Ғазолийнинг шундай фикрлари бор: «Болалар ота-оналарига берилган бир омонатдир. Боланинг қалби ҳар қандай нақшу тасвирдан ҳоли бир қимматбоҳо гавҳардир. У қандай нақш солинса, қабул қилади, қаёққа буқилса, эгилади. Агар яхшиликка ўргатилса, шу билан ўсади ва дунё-ю охирага саодатга эришади. Унинг савобига ота-онани ҳам, ҳар бир муаллимни устозларни ҳам шерик бўлади. Агар ёмонликка одаглатирилса, хайвонлардек ўз ҳолига ташлаб қўйилса, охир-оқибат ҳалок бўлади. Гувоҳи эса унинг тарбияси учун жавобгар бўлганларнинг гарданига тушади».

Шундай экан, ҳурматли ота-оналар, имкон боринда жоҳилликдан узоқлашайлик-да, омонатимизга асло хиёнат қилмайлик!

Гофуржон АЛИМОВ,
«Нидо»